Шаңқай жыраўдың атқарған намалары, дәстанлары деп «Гөруғлының туўылыўы», «Әўезхан», «Күнтуўмыш», «Гүлайым», «Дәллы айым», «Қаншайым», «Шийрин-Шәкер», «Малика хайяр», «Толыбай сыншы» дәстанлары ҳәм «Шаңқай жолы» намасын айтады. Шаңқай жыраў Нуратадағы қарақалпақлардың ҳәм өзбеклердиң ортақ жыраўы болған, өзбеклер оны «бахши» деп атаған. Оның мынадай қосығы халық тилинде сақланған:

Мениң атым Шаңқай бақсы,
Бир сөзим бар саздан жақсы,
Мениң ҳәўжим сонда келер,
Татлы болса кимниң асы.

Шаңқай жыраў – шебер жыраў болыўы менен бир қатарда, импровизатор, өз ортаны сын күлкиге бөлеп жүретуғын жүдә ҳәзилкеш адам болған. Ол жасаған дәўирлерде жыраўлар жолаўшылар танымайтуғын журтқа келгенде сорастырып жүрип қызлы байдың үйине түседи екен ҳәм үй ийеси менен бирге шыққан қызға атына жем жегизиў ушын дорбасын услататуғын болған. Дорба аўыр болғаны ушын байдың қызы дорбаның тек ғана шерегин толтырып әкелепти. Сондай пайытлардың биринде, қолындағы атдорбасын қызға созған Шаңқай жыраў:

Шаңқай жыраў мен дейди,
Қай жыраўдан кем дейди,
Қатыным жоқ, балам жоқ,
Жалғыз атым жжем дейди. – деп айтқан екен.

Шаңқай жыраў Әлишер Наўайы, Мухаммед Физулий сыяқлы шығыстың данышпан шайырларының дөретиўшилиги менен жақсы таныс болған. Терме-толғаўларды атқарғанында олардың усылларын қолланған. Деген менен, Шаңқай жыраўда суўырып-салып айтыўшылық, яғный импровизация басым келеди.

Шаңқай жыраў ҳаққында биринши рет профессор Қаллы Айымбетов сөз етип, «Қарақалпақ жыраўлары» мийнетинде биринши сол жыраўды тилге алады. Ол «Халық даналығы» китабында да Шаңқай жыраў, Хорезм, Бухара ҳәм Самарқанд әтирапындағы қарақалпақ жыраўлары репертуарларының қәлиплесиўи ҳаққында пикирлерин билдиреди.

«Бухара, Самарқанда әтирапындағы өзбек, қарақалпақ жыраўларының репертуарлары биригип кеткен. Бухара әтирапындағы жыраўлардың жырлайтуғын репертуарынан Қурбанбай жыраў «Шийрин-Шекер», «Ер Зийўар» дәстаны қусаған дәстанларды Бухарадағы жыраўлардан үйренип, қайтып, Хорезм өзбеклери ҳәм қарақалпақлар арасына келип жырлап таратты»-деп атап көрсетеди [2:46]. Соның менен бирге профессор Хорезимдеги өзбеклер, қарақалпақ жыраўларын «Бақшы» деп атаўы, Хорезимдеги өзбек, түркмен бақсылары менен қарақалпақ бақсыларының репертуарларының өзара байланыслағын, Бухарада өткен Шаңкөт жыраў менен қарақалпақлар арасындағы Шаңқай жыраў екеўи бир адам екенлиги, қарақалпақ жыраўларының шертетуғын қобыз намаларының ишинде «Шаңқай намасы» деген қобыз намасы сақланғанлығын, Буқарадағы, Самарқандтағы жыраўлардың өзара байланысы ҳаққында сөз етеди.

Ал, профессор Қабыл Мақсетов болса өзиниң «Бухаралы қарақалпақ жыраўлары» мақаласында кеңирек мағлыўмат берип өтеди. Бухарадағы қарақалпақ жыраўлары жөнинде изленислер жүргизген Шаригүл Пайзуллаеваның мийнетлеринде де ушырасады. Илимпаз Табысқан Қанаатовтың «Таўелибай тарыйхынан тамтум сыр» мийнетинде де Шаңқай жыраў өмири ҳәм дөретиўшилиги бойынша гейпара мағлыўматлар берип өтилген.

Жуўмақлап айтқанда Наўайы ҳәм Бухара әтирапындагы өзбек, қарақалпақ жыраўларының қарым-қатнаслары туўралы мәселелер үйрениўди талап ететуғын, сондай-ақ Шаңқай жыраў дөретиўшилиги фольклортаныў илиминде толық изертлениўин таппаған мәселелерден есапланады. Бул бағдарда еле де үйрениў жумысларын алып барыў керек.

**Әдебиятлар**

1. Айымбетов Қ. Халык даналығы. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1968.
2. Ayımbetov Q. Xalıq danalıǵı. -Nókis: "Qaraqalpaqstan", 2020.
3. Алимов Ә., Адамбаева Т. // «Илим ҳәм жәмийет». 2015, №1. 24-25-б.
4. Қанаатов Т. Таўелибай тарыйхынан там-тум сыр. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1993.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада қорақалпоқ жировчилик ҳунари, Бухора ва Навоий ҳудудларида яшаб ижод қилган таниқли жировлар ҳақида базибир маълумотлар берилган. Ушбу ҳудудлардаги жировчилик мактабларининг тараққий етиш жараёни таҳлил қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье представлена некоторая информация о каракалпакских джиравитах, известных джировах, которые жили и работали в Бухарской и Навоийской областях. Проанализирован процесс развития джировских школ в этих регионах.

**SUMMARY**

This article provides some information about the Karakalpak jiravic craft, well-known jiravs who lived and worked in Bukhara and Navoi regions. The process of development of Zhirov schools in these regions is analyzed.

# БАХШИЛАР РЕПЕРТУАРИДА "НАВРЎЗ" ТЕРМАЛАРИ ТАЛҚИНИ

**Д.Ж.Халилова** – *доцент*
*Қарши давлат университети*

**Таянч сўзлар:** "Наврўз" термалари, Наврўз ўйинлари,. маънавий қадриятлар, миллий урф-одатлар.
**Ключевые слова:** сборники «Навруз», игры Навруза, духовные ценности, национальные традиции.
**Key words:** Navruz national teams, Navruz games, spiritual values, national traditions

Ўзбек халқ оғзаки ижодида халқимизнинг бадиий тафаккури, ақлий, ахлоқий, диний, эстетик ва руҳий қарашлари, асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий анъаналари, қадриятлари сақланган бўлиб, булар кўпроқ ва мукаммалроқ тарзда бахшичилик санъатида акс этган. Устоз фольклоршунос Т.Мирзаев алоҳида таъкидлаганидек: "Бахшиларнинг ўзлари яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида яратган терма ва достонлар ҳам устоздан шогирдга ўтиб, эпик репертуарнинг муайян қисмини ташкил этган. Бахшилар репертуаридаги тарихий достонлар ва тарихий воқеаларга бағишланган термалар шундай асарлардир" [1.11]. Мустақиллик даврида Чори бахши Умировдан ёзиб олинган "Амир Темурнинг туғилиши ва болалиги" [2], Қаххор бахши яратган "Қодир бахши ҳақида достон" [3], "Темур ва Боязид" [4], Рўзи бахши Қултўраевдан ёзиб олинган "Соҳибқироннинг туғилиши" [10] тарихий достонлари, "Наврўз", мустақиллик байрамларига бағишлаб яратилган кўплаб термалар ҳам ижодкорлик ва бадиҳагўйликнинг ёркин намунасидир.

Истиқлол туфайли бахшиларнинг эркин ижод қилиши, миллий қадриятларимиз, байрамларимизнинг, хусусан, қадимий "Наврўз" байрамининг тикланиши, "Наврўз" байрамини достонлар ва термаларда мадҳ этишга имкон яратди. Чори бахши куйлаган "Амир

Темурнинг туғилиши ва болалиги” достонида, Қаҳҳор бахшидан ёзиб олинган “Янги кун”, “Наврўз муборак”, “Наврўзим”, “Сумалак”, Шоқул бахши Мирзаев яратган “Наврўз келди”, “Баҳор келганда”, Шодмон бахши Хўжамбердиевнинг “Наврўзим”, “Наврўз”, Қора бахши Умировнинг “Наврўзим”, Абдимурод бахши Раҳимовнинг “Наврўз” термаларида “Наврўз” қадимий байрам ва у билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русумлар кўтаринки руҳда олқишланади. Гарчи, “бир ёки бир-бирига маъноси яқин номдаги термалар юз бахшидан юз марта ёзиб олинганда ҳам, ҳатто бир бадиҳагўй бахши айтганида ҳам улар асло бир-бирига вариант эмас, балки бир ёки бир-бирига яқин номдаги алоҳида-алоҳида мустақил асарлардир” [7:55-56]. Агар уларни жамласак, “Наврўзнома” термалар тўплами юзага келади.

Қўлимиздаги мавжуд материалларга асосланган ҳолда бахшилар репертуаридаги термаларда акс этган Наврўз фольклорини икки турга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1. Наврўз байрами ҳақида термалар
2. Наврўз байрами билан боғлиқ тадбирлар ва удумлар ҳақидаги термалар.

Наврўз байрамига алоқадор термаларни тахминан қуйидаги тематик жиҳатидан ўрганиш лозимлигини биздаги термалар кўрсатмоқда.

1. Наврўз тарихи билан боғлиқ термалар
2. Наврўзни мадҳ этувчи термалар
3. Наврўз билан халқни, тингловчиларни қутловчи термалар.

Наврўз фольклорининг катта бир қисмини қуйидаги термалар ташкил этади:

1. Сумалак ҳақидаги термалар
2. Оҳува термалари
3. Наврўз урф-одатлари. Наврўздаги халқ ўйинларини таъриф-тавсиф этувчи термалар.

Аммо уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни, ўхшаш ва фарқли томонларни асослаш, шу мавзудаги термаларда анъанавийлик ва сохтакорликни аниқлаш, термалар қатидаги кичик фольклорий жанрлар мақоллар, қўшиқларнинг ўрнига баҳо бериш, Наврўз фольклорига ҳам ёзма адабиётнинг таъсирини ўрганиш, бир Наврўз фольклори доирасида бахшилар маҳоратини тадқиқ этиш ҳамон долзарб вазифа бўлиб турибди.

Бу “Наврўзнома”га ҳалинчак учиш билан боғлиқ “Оҳува” қўшиқлари ва “Сумалак” пиширишга доир “Сумалак”, “Сумалагим-сумалак”, “Сумалакда-ўттиз тош” термаларини киритсак, мавзу мукаммаллашади. Кўпгина тарихий манбаларда ҳам ҳалинчак учишнинг пайдо бўлиши ёки сумалак таомини пишириш Наврўз байрамининг юзага келиши билан тенг эканлиги айтилади. Наврўзнинг байрам сифатида нишонланиши ва ҳалинчак учишнинг пайдо бўлиши ҳақида буюк аллома Беруний шундай ёзади: “Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованд тоғидан Бобилга олиб борди. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг аравада учишига тақлид қилиб, арғимчоқларда учдилар” [8:51]. Ана шундан буён арғимчоқларда учиб хурсандчилик қилиш, гўдаклардан катталаргача завқ берадиган машғулотга айланди, “Наврўз” байрамининг севимли ўйинларидан бири бўлиб қолди. Ҳалинчак учишда айтиладиган қўшиқлар “Оҳува” деб аталадиган бўлди. Жанубий Ўзбекистонда ижод қилган ва ижод қилаётган бахшилардан ўндан зиёд “Оҳува” ёзиб олинган ва айримлари юқорида номлари зикр этилган бахшиларнинг кўрсатилган термалар тўпламларида чоп қилинган. “Оҳува”ларда ўтмишдаги хотин-қизларнинг оғир турмуш тарзи, тенгсиз никоҳдан норозилик мотиви машҳур бахшидан ёзиб олинган икки “Оҳува”да бадиий юксак тарзда куйланса [6:39-40], мустақиллик даврида бўй етган йигитлар ва қизларнинг бахтиёрлиги Қодир бахши ўғли Абдимурод бахшининг яна иккита “Оҳува” термасида ўз ифодасини топган [9:54-56].

“Наврўз” ҳақидаги термаларда ҳам, достонлар сюжетига сингдирилиб юборилган Наврўз тўғрисидаги матнларда ҳам бу байрамнинг қадимийлиги, у билан боғлиқ анъаналар, тадбирлар, урф-одатларга урғу берилади. Масалан, Расул бахши Умиров уни Одам Ато ва Момо Ҳаво яшаган давр билан боғлиқ тарзда таърифлайди:

Каклик, булбул, саъванинг
Сайраб айтган навонинг,
Одам, Момо Ҳавонинг
Изидасан, Наврўзим.
Эшик олди ғовпалак,
Ғовпалакда ҳандалак.
Қайнаб пишган сумалак
Юзидасан, Наврўзим.
Мустақиллик йўлининг,
Қир-адирлар гулининг
Ўзбекистон элининг
Қизидирсан, Наврўзим.

Ҳар бир бахши Наврўзни мадҳ этиб, унинг қадимийлигини, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган, кўнгилларга қувонч бағишлайдиган хурсандчилик айёми эканлигини эътироф этади, ўзлари эшитган ривоят, ҳикоят мазмунидан ҳам фойдаланади. Бу Шодмон бахши Хўжамбердиев ижро этган “Наврўзим” термасида шундай акс этади.

Ота боболардан қолган меросим
Сени куйлаганда жаранглар созим,
Соғиниб яшайман мен сени ростим
Юртимга хуш келдинг, гўзал Наврўзим
Дошқозонда қайнар ширин сумалак
Атрофида эса еттита малак
Юртимга қиламан энг улуғ тилак
Мен сени кутаман, гўзал Наврўзим

Келтирилган парчадаги Сумалак тайёрлаш Наврўздаги доимий таомлардан бири эканлигини англатса, “Атрофида эса еттита малак” мисраси халқ онгида шаклланиб, қуйма ҳолга келиб қолган сумалакни пиширишда кўзга кўринмас етти малакнинг иштирок этади деган тушунчанинг ифодасидир.

Наврўз фольклорининг бир қисмини бу қадимий байрамнинг шоҳ таоми бўлган “Сумалак” ҳақидаги кўплаб ривоятлар, ҳикоятлар, қўшиқлар, термалар, шунингдек, сумалак тайёрлашга тараддуд кўрилгандан то пишириб дастурхонга тортгунча бажариладиган удумлар, урф-одатлар, расм-русумлар, ирим-сиримлар ташкил этади. Бахшилар ижодида эса сумалакни, у билан боғлиқ урф-одатларни таърифлаш икки хил тарзда акс этади. Биринчиси, баҳор, Наврўз байрами ёхуд Наврўз ўйинларига бағишланган термалар ва қўшиқлар қатида сумалак улуғланиб тилга олинса, иккинчиси, алоҳида сумалакка бағишланган термалар ва қўшиқлардир. Масалан, Шоқул бахши Мирзаев “Наврўз келганда” термасида шундай куйлайди:

Сумалак қайнатар қўшиб етти тош,
Ўлан айтар момо, бўлиб турар бош.
Карнай садосидан гумбурлайди дашт
Ватанимга Наврўз байрами келганда.

Шу тўртликда бахши сумалак пиширишдаги икки одатни тилга олади. Яъни, сумалак пиширишда қозонга еттита тош солиш ва сумалак тайёрлашда сумалак пиширишни ҳам, ўлан айтишни ҳам яхши биладиган, сўзга чечан кампирнинг бош бўлиши ҳозирги кунда ҳам амал қилинадиган удумлардандир.

Абдимурод бахши:

... Тўрт қозонда сумалак,

Ичида ўйнар тоши,- деса,
Шодмон бахши:
Дошқозонда қайнар ширин сумалак,
Атрофида эса еттита малак,-
деб сумалакларни малаклар пишириши ҳақидаги қадим ривоятни эсга олади.

Қаҳҳор бахши куйлаган “Сумалак қўшиғи” бу таом ва уни тайёрлаш жараёни ҳақида мукаммалроқ маълумот беради:

Узоқдан узоқ ёши,
Фотима момонинг оши.
Ичида етти тоши,
Ойнажони, она-ё,
Сумалагим, қайна-ё.

Ҳар банднинг сўнгги икки мисраси нақорат бўлиб келади ва унинг дастлабки “Ойнажоним” сўзи бахши мансуб қўнғирот уруғида ўрта яшар аёллар ва момолар ёшларни яхши кўриш, ўзига яқин олиш маъносида кўп ишлатилади.

Қуйидаги бандда қозон тагида ёнаётган арча ўтинининг чарсиллаши билан қозон атрофидаги ой янгаларнинг тетик туриши “дурсиллаши” орасида маъно-мантиқ жиҳатдан яқинлик бор ва иккаласи биргаликда алоҳида манзарани ҳосил қилади.

Ўтин солсам чарсиллар,
Арча ўтин чарсиллар.
Ой янгалар дўрсиллар,
Ойнажоним, ойна-ё,
Сумалагим, қайна-ё.

Кўп ҳолатларда сумалак майса ўндиришдан ва шу майсани пиширишдан бошланишини айтиш эътибордан четда қолади. Аммо бахши буни назардан қолдирмайди.

Майса ошга айланди,
Бобо-момо шайланди,
Қизлар куйлаб ўйнади,
Ойнажоним, ойна-ё,
Сумалагим, қайна-ё.

Ҳар мисрада бадиийлик юзага келтирадиган кўчим бор ва мисралар мантиқан боғлиқ. Тингловчи (ўқувчи) буни яхши тушунади. Масалан, майса ошга эмас, сумалакка айланади. Сумалак пишган даврадаги нуфузли бобо ва момолар қозонни очишга ва сумалакни сузишга дуо беришга шайланиши шарт ҳамда бошқа кексалар ҳам таом биринчи ўзларига тортилиши билади. Аммо куйлаб турган қизлар нега ўйланиб қолди? Улар бўйга етган, севги ёшидаги ва севиб қолган қизлар. Севиклилари шу ерда, байрам баҳона дийдорлашган, улар учун куйлашган эди. Сумалакдан сўнг айрилиқ, улар шунинг учун ўйланиб қолган.

Наврўз фольклорига оида сумалак ҳақидаги термалар ва қўшиқлар нисбатан кам ёзиб олинган. Эҳтимол, бунинг сабаблари бахшиларнинг сумалак пишириш жараёнида қатнашмагани ( чунки ўтин, ёқилғи тайёрлаб беришдан бошқа барча ишларни хотин-қизлар бажаради), кузатмагани ҳамда фольклоршунослар бахшилардан сумалак ҳақидаги термалар ва қўшиқларни кам суриштирганидандир. Шу сабабли бахшилар репертуарида сумалак пишириш жараёни билан боғлиқ термалар тўлиқ аксини топмаган.

Бахшилар халқ хузурида ўз достон ва термаларини жонли ижро этади. Байрамлар ва сайлларда эса халққа мурожаат этиб қутлуғ айём билан уларни қутлайди. Қаҳҳор бахши куйлаган қуйидаги мисралар шундай ҳолатда туғилган. Бу каби термаларда Наврўзга хос хусусиятлар акс этмайди, балки айём иштирокчиларининг фазилатларини кўрсатиш етакчилик қилади.

Кўмак бериб кўринади тубалар
Мени тинглаб эсаётган саболар
Юзларидан нур ёғилган боболар
Наврўз байрамингиз муборак бўлсин.

Ёки
Мажнунтолдай ҳаммаси хипча беллар
Гул юзини мақтаб сайрар булбуллар
Ойбарчиндай жасоратли сингиллар
Наврўзи олам байрамингиз муборак.

Қаҳҳор бахшининг Наврўзга бағишланган яна бир термаси “Наврўзи олам келди” деб аталади. Терма мазмун жиҳатдан ҳам, қофияланиш тизими ва вазнига кўра ҳам фарқланади. Терма руҳидан бу озод юртда бахтиёр яшаётган халқ кутаётган Наврўз эканлиги сезилиб туради. “Даласида бойчечаклар очилган, қуёш нури осмону ерга сочилган” Ватанимизда “Чорвадорлар қўй ҳайдашга шошилган”лиги Наврўздан дарак эканлиги ҳис этилади:

Бободеҳқон баракани тилайди,
Эл ризқига дов-дарахтлар гуллайди.
Булбуллар, какликлар бахтдан куйлайди,
Наврўзи олам келди, дўстлар, элимга.

Баҳор ҳавосидан атроф яшил тус олиб, гўзаллашган юртда Наврўз шукуҳидан “Болалар ҳам шўху шодон ўйнайди. Бахши Наврўзга хос яна икки хусусиятни, бу кун кеча ва кундуз тенг бўлишини, байрам куни, албатта, қозонларда сумалаклар қайнашини алоҳида уқтиради.

Қариялар феъли хушин кенг қилиб,
Бободеҳқон ҳар ишини ўнг қилиб,
Аллоҳ кеча-кундузни тенг қилиб,
Наврўзи олам келди, дўстлар, оламга.

“Янги кун” термасида мисралар саккиз бўғинли бўлиб, ҳар тўртлик банд а-а-б-а тарзида қофияланган. “Наврўзи олам келди” термасида ҳам бандлар тўрт мисрадан ташкил топган. Ўн бир бўғинли бу термада асосан қофияланиш тизими а-а-б-а ҳолатида ва бу бандда бахшининг терма яратишдан мақсадини баён қилади:

Қўлга олдим бугун сунбул созимни,
Эл олдида аввал қилиб таъзимни,
Наврўзи олам келди эшикни қоқиб,
Ушбу кунда айтайин дилда розимни.

Банднинг учинчи мисрасида “Наврўзи олам келди эшикни қоқиб” терманинг кейинги бандларида:” Наврўзи олам келди, дўстлар, элимга” деб нақорат бўлиб қўлланиши қофияланишда ҳам ўзгаришга олиб келган.

Абдимурод бахши Наврўзни ўзича тавсиф этади. Бахшининг “Наврўз” термасида ўзбек халқининг бу байрами ЮНЕСКО рўйхатига олинганидан, уни хорижликлар ҳам тан олиб, кўришга ҳавасманд бўлиб келишидан фахрланиш, ифтихор туйғуси кўриниб туради:

Юртимда турли миллат
Ёш-қари қилар меҳнат
Кўзни юмиб очгунча
Тенгсиз бўлди мамлакат
Наврўзимни кўрай деб
Хориждан келар элат.

Чори бахши Умировдан ёзиб олинган “Амир Темурнинг туғилиши ва болалиги” достонида “Наврўз” ва у билан боғлиқ урф-одатлар эпик тасвирга хос кенг планда бадиий талқин этилади:

“Шаҳрисабз қўрғони олдида “Наврўз” байрами бўлиб, узоқ-яқиндан одамлар келиб, элатнинг бари жийилган, тепадан ўчоқлар ўйилган, семиз қўйлару тойлоғлар сўйилган, ўн беш-йигирма жойда катта қур қилиниб, дастурхонга турли таомлар қўйилган, ҳар томонда ўйин-кулги, томошани ҳамма кўзлаяпти, бир томонда бахшилар созини созлаяпти, бир томонда ҳофизлар қўшиқ айтиб бўзлаяпти, масхарабозлар кулги қилиб бир нечани тузлаяпти” тарзида таърифланиб, 95 мисра назмда “Наврўз” ўйинлари берилади.

Умуман олганда, халқ бахшилари репертуаридаги достонлар ва термаларда ёши минг йилларга бориб

тақаладиган "Наврўз" байрами ҳамда у билан боғлиқ тадбирлар, удумлар, маросимлар мадҳини яхлит тарзда тадқиқ этиш ва шу орқали бахшилар ижодида анъананинг давом этиши ҳамда ҳар бир бахшининг анъанага қўшган ҳиссаси, бадиий маҳорати ва бадиҳагўйлик қобилиятини баҳолаш алоҳида тадқиқ талабдир.

**Адабиётлар**


1.Мирзаев Т. Бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориши. // Қодир бахши абадияти. –Қарши: 2012.
2.Чори бахши Умиров. Амир Темурнинг туғилиши ва болалиги. –Қарши: "Насаф". 2011.
3. Қаҳҳор бахши Раҳимов. Қодир бахши ҳақида достон. – Қарши: "Насаф", 2019.
4.Қаҳҳор бахши Раҳимов. Темур ва Боязид. –Туркия:. 2019.
5.Эргашев А. "Термаларда Шоқул бахши маҳорати". Монография. –Қарши: 2020.
6.Эргашев А. Қодир бахши термалари. – Қарши: 2013.
7.Эргашев А. Халқ бахшиси- Расул Умиров. –Қарши: "Насаф". 2020. 55-56-б.
8.Эргашев А. "Термаларда Шоқул бахши маҳорати". Монография. –Қарши: 2020. 51-б.
9.Абдумурод бахши Раҳимов. "Оҳува". –Қарши: "Насаф". 2013.
10. Рўзи бахши Қултўраев. Соҳибқироннинг туғилиши. –Қарши: "Насаф". 2013.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бахшиларнинг эркин ижод қилиши, миллий қадриятларимиз, байрамларимизнинг, хусусан, қадимий "Наврўз" байрамининг тикланиши, "Наврўз" билан боғлиқ урф-одатларнинг термаларда мадҳ этилиши таҳлил қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируется свободное творчество бахши, возрождение наших национальных ценностей, наши праздники, в частности древний праздник «Навруз», соблюдение традиций, связанных с «Наврузом» в сборной.

**SUMMARY**

The article analyzes the free creativity of bakhshis, the revival of our national values, our holidays, in particular, the ancient holiday "Navruz", the celebration of "Navruz" in epics and poems.


## НУРМОН АБДУВОЙ ЎҒЛИ ВА УНИНГ САМАРҚАНД ДОСТОНЧИЛИГИ АНЪАНАСИДА ТУТГАН ЎРНИ


**Л.Худайқулова -** *филология фанлари номзоди*

*ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти*



**Таянч сўзлар:** эпик анъана, достон, достончи-бахши, "Кунтуғмиш" достони, вариант.
**Ключевые слова**: эпическая традиция, эпос, эпос-бахши, эпос «Кунтугмиш», вариант.
**Key words:** epic tradition, epic, epic-bakhshi, epic "Kuntugmish", variant.


Ўзбек халқ достончилиги анъанасининг ривожланиши ва тараққий этишида Самарқанд вилояти ҳудудида шаклланган бахшичилик мактаблари муҳим роль ўйнаган. Ана шу мактабларнинг эпик анъанаси халқимизнинг кўплаб анъанавий достонларининг сақланиб қолиши ва бадиий тафаккур тизимидан ўрин олишига асос бўлган. Бу анъананинг ривожида йирик халқ бахшиларидан бири Нурмон Абдувой ўғлининг эпик ижодиёти муҳим ўрин тутади.

Нурмон шоирнинг тўлиқ исми Нурмуҳаммад бўлиб, у 1862 йилда Самарқанд вилоятининг Пойариқ туманидаги Энамяхши қишлоғида туғилган. Отаси Абдували Раҳмат охун ўғли ачамайли уруғига мансуб бўлган. У деҳқончилик билан шуғулланган. Нурмуҳаммад ёшлигидан бақувват йигит бўлиб улғайганлиги сабабли чавандозликка қизиқиб, кўпкариларда фаол қатнашиб юрган. Кармана, Бухоро, Қарши, Карки томонларгача бориб, улоқ чопиб, атоқли кўпкаритоз сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Қарийиб қирқ ёшларга борганда Саройқўрғон қишлоғилик Абдухолиқ бахшига шогирд тушиб, икки йил мобайнида ундан достон ва термалар айтишни ўрганган. Бир неча анъанавий достонларни пухта ўрганиб олгач, устозидан фотиҳа олиб, достончи-бахши сифатида танилган.

Нурмон Абдувой ўғли ўзининг ғоят ҳозиржавоблиги ва бадиҳагўйлик иқтидорининг юксаклиги билан алоҳида ажралиб турган. XX асрнинг бошларида Самарқанд атрофларида чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган оммавий ҳаракат бошлиғи Намоз Пиримқул ўғли ҳақида достон яратиб, халқ орасида куйлаб юрганлиги учун Каттақўрғон ҳокими томонидан 1914 йилда қамоққа олинган. Оғир қийноқлардан кейин мажруҳ бўлиб, қамоқдан чиққанидан кейин яна достон айтишни давом эттирган. Унинг репертуарида йигирмадан ортиқ анъанавий достонлар мавжуд бўлса-да, шулардан "Кунтуғмиш", "Орзигул" ("Абдулла кофир"), "Намоз" (парчалар) достонлари, "Чигиртка", "Дўмбирам", "От" сингари термалар ёзиб олинган. Бахшининг термалари "Ўзбек фольклоридан намуналар" (1935), "Ўзбек фольклори" (1939) тўпламларида чоп этилган. У 1940 йилда вафот этган [1:540]

Нурмон Абдувой ўғлидан ёзиб олинган "Кунтуғмиш", "Орзигул" каби достонлар "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг 9 ва 12-жилдларида чоп этилган [2:5-18]

Нурмон Абдувой ўғлининг эпик репертуари ғоят бой бўлган бўлса-да, ундан жуда кам асарлар ёзиб олинган. Шулардан бири "Кунтуғмиш" достони бўлиб, бу достон қўлёзмаси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 26-инвентарь рақами остида сақланади. Уни 1927 йил 10 сентябрда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида яшовчи Нурмон Абдувой ўғлидан фольклор тўпловчи Зариф Қодирий ёзиб олган. Мазкур достон ҳажми 36 саҳифадан иборат. У 35х21 ўлчамдаги сарғиш-оқ қоғозга араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида ёзилган. Қўлёзманинг илк саҳифасида "Эл достонларидан "Кунтуғмишбек-Холбека" достони. Айтувчи: халқ шоирларидан Нурмон Абдувой ўғли. Ёзучи: Зариф Қодирий. Каттақўрғон, 1927 йил 10 сентябрь" деган ёзув битилган.

Зариф Қодирий ушбу достонни ёзиб олиш чоғида фольклор асарини бевосита ижро жараёнида қоғозга туширишнинг илмий тамойилларига тўла амал қилган. У ҳар бир бетга ёзилган матндаги шевага оид сўзлар ёки тушунилиши қийин бўлган луғавий бирликларнинг устига бир ва ҳ.к. рақамларни қўйиб, саҳифа остидаги ҳаволаларда уларнинг маъноларини изоҳлаб борган. Бу эса мазкур достон матни юзасидан луғат тузишда муҳим аҳамият касб этади.

"Кунтуғмиш" достонининг Нурмон Абдувой ўғлидан ёзиб олинган варианти ҳозирга қадар муайян парчалар ёки алоҳида китоб ҳолида чоп эттирилган эмас. Тўғри, 1955 йилда мазкур эпик асарнинг йиғма матнини тайёрлаб, чоп эттиришга киришган Ҳ.Зарифов достоннинг Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Нурмон Абдувой ўғли вариантларига таяниб иш кўрган бўлса-да, кейинчалик унинг ўзи бу асарнинг "Булбул тароналари" беш жилдлигида эълон қилиниши муносабати билан халқ достонларининг оғзаки